

Аёллари қадр топган юрт

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбек Миллий академик драма театрида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тадбир ташкил қилди.

Илм-фан, таълим тизимида самарали меҳнат қилаётган педагоглар, фохрийлар, техник ходимлар, шу жумладан, фаррошлар, иш юритувчилар ва ижтимоий ҳимога муҳтож бўлган хотин-қизлар иштирок этди.



Илром ХАСАНОВ оlingan сурат.

Тадбирда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиров тизимда олиб борилаётган ислохотлар, бунда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг роли, ютуқлар ва камчиликлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Соҳада фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бу борада иш берувчилар билан ижтимоий музокараларга киришиш ҳамда ҳуқуқий савдохонликни ошириш бўйича янада кўпроқ тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш зарурлигига ургу берди.

Фидойи хотин-қизларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари ва ташаккурномалари топширилди.

Тадбир сўнгида «Иймон» спектакли намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз



Тадбир

Тошкент вилояти

Нурафшон шаҳридаги «Ором» тантаналар уйида ўтказилган «Аёллари қадр топган диёр» деб номланган маданий-маърифий тадбирда турли соҳаларда, хусусан, таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият юритаётган ҳамда оилалар мустақамлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган 100 нафар фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Эъзозга лойиқ хилқат

Қайд этилганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳам вилоятдаги хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва умуман жамиятдаги мавқеини

мустақамлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Тадбирда намунали фаолияти билан барчага ўрнак бўлган аёллар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шаҳноза ОДИЛХОНОВА,
Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши
Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri

«Мўътабар»лик мақоми муборак!

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари, тўғрисида»ги фармонида мувофиқ «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини таъсис этилган.

Унга мувофиқ, ўтган йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида халқ эътирофи сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган 290 нафар хотин-қиз тақдирланган эди.

2020 йилда кўкрак нишонини йўриқномасига ўзгартириш киритилиб, ушбу нишон 50 ёшдан юқори бўлган, оиласидаги муҳит билан бошқаларга ўрнак бўлишни ҳаёт тарзига айлантирган аёлларга берилиши белгилаб қўйилди ва 287 нафар аёл «Мўътабар аёл» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Эътиборли жиҳати, бу йил узоқ йиллар халқимизга хизмат қилган, бироқ ҳозирда орамизда бўлмаган аёллар ҳам ушбу кўкрак нишонига муносиб кўрилди. Масалан, ўз асарларида Ватанга эътиқод, эл меҳри, одамийлик ва

яхшиликни тараннум этган сурхондарёлик ёзувчи Жамила Эргашева ҳамда Наманган вилоятида хотин-қизлар билан ишлаш тизимида ва тиббиёт соҳасида сидқидилдан хизмат қилган Манзура Азизоваларнинг меҳнатлари ва шахсий намунаси инobatга олинди. Эътиборли нишон марҳуманинг ақинларига топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёл зотини улуглаш борасида кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирдилар.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт тадбирга янада фойз бағишладди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Танлов

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти тизимидаги Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларининг турмуш ўртоқлари ўртасида «Балли, аёллар» танлови ўтказилди.7

Бири-биридан зукко

Дарҳақиқат, ҳарбийлар ўз хизмат вазифасини аъло даражада бажаришида билдаги муҳитнинг соғломлиги, хонадон бекасининг маданияти, пазандалик маҳорати, билими ва ҳаётий таърибаси муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан «Балли, аёллар» танлови шартларида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. «Алла айтиш», «Тадбиркор аёл», «Бахр-у байт» йўналишлари бўйича

беллашувларда округ ҳарбий хизматчиларининг турмуш ўртоқлари Шаҳодат Тўхмирозева биринчи, Нодира Аҳмедова иккинчи, Мафтуна Раимова учинчи ўринга сазовор бўлди. Ҳаётининг давомидидаги фаолияти билан барча-барчаси танловнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Касаба уюшма фидойилари



Инсонга умр бир марта берилди. Уни қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Шундайлар борки, юрган йўлида ўзгаларга саодат улашади, таниш-у нотанишга яхшилик қилади. Мушоҳада билан иш юритиб, яхши инсонларни ўзига йўлдош билади, боғ яратади, адашганини тўғри йўлга солади, билганларини кўп билан бўлишади. Ўзи каби фикрлайдиган шогирдлар етиштиради. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими mudiri Нодира Каримовадир.

ётларнинг ўзи борми, деб кўплаб саволлар тушди. Шунда раҳбариятга бу ҳақда маълум қилиб, дастлаб электрон китоблар яратишни бошладик. Сўнг китоб ҳолида нашр этдик.

Эзма фикрларни кимдир осон қабул қилади, кимгадир у мураккаб. Расм орқали эса кўп нарсаларни илғаб ола билади. Шунинг учун ушбу китоблар кўпроқ тақдимот шаклида беришга қарор қилинди, қонун-қоида, рақамлар, мураккаб формулалар оддий расмларга кўчирилди. Ходим руҳиятидаги таъсирга келганда, тегишли мутахассислар, психолог, шифокорлар маслаҳати олинди.

Меҳнат муҳофазаси, деган жумлани ҳар ким ҳар хил тушунади. Бироқ у асосан инсонлар ҳаёти, соғ-

тиш мумкин, лекин ақлий меҳнат чарчоғини бир кун у ёқда турсин, бир ой ухлаб ҳам чиқариш қийин. Китобларда мана шу жиҳатлар ечими қизиқарли тарзда очиб берилган.

Нодира опа жаҳон миқёсида 10дан ортиқ мамлакатда ташкил этилган халқаро форумлар, конференцияларда Ўзбекистон номидан меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги, ишларнинг бехатар олиб борилиши бўйича маърузалар билан иштирок этди.

Нодира Каримова касбига меҳри сабаб ўзига юклатилган ҳар бир вазифани сидқидилдан амалга ошириш

– Абу Али ибн Сино китобларини ўқиб, бир ҳақиқатга иқрор бўлдим. Яъни инсон – ҳоҳ у раҳбар, ҳоҳ оддий мутахассис бўлсин, ўзини англаб етсагина зиммасидаги вазифани тўла-тўқис адо этиши мумкин, – дейди Нодира Каримова. – Тинимсиз ўқиб, билим олиш керак, лекин диплом учун эмас, барча-барчаси танловнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

кўрсатилган ҳар бир вазифани сидқидилдан амалга ошириш ҳаракатида бўлади. Эришган ютуқларида Тошкент давлат техника университети, Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамда «Саноаткон-техназорат» давлат инспекциясидаги фаолияти давомида олган билим ва таърибаси ҳам асқотди, десак, асло адашмаган бўламиз.

Айни кунларда у Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида миллий тақдир» тайёрлашда иштирок этапти. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида соҳа эксперти сифатида қонун лойиҳалари муҳокамаларида қатнашмоқда. Айниқса, унинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрири тайёрланиши жараёни ва ундаги нормалар яратилишида фаоллик кўрсатганини алоҳида эътибор этиш жоиз.

Нодира Каримованинг олдига қўйган мақсадлари бисёр. Эл манфаатини ҳамиша биринчи ўринга қўйган ҳолда ўртоқларимизнинг сирини енгил, келажакни фаровон қилиш йўлида тинимсиз изланмоқда...

Салим АБДУРАХМОНОВ,
«ISHONCH»

Саодатга элтувчи йўл

рилиши бўйича маърузалар билан иштирок этди. Дунёнинг турли мамлакатидан қатнашган саноат корхоналари мутахассислари ва назорат қилувчи органлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Орттирган таърибалари асосида бир қатор қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари яратди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратулла Рафиқовнинг таҳрири остида чоп этилган уч томлик «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизли-

гига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами» (Ўзбек ва рус тиларида), «Меҳнатни муҳофаза қилиш», «Касаба уюшмалари тизимида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати», «Муносиб меҳнат – инсон фаровонлиги ва мамлакат тараққи-

ётининг асоси», «Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси: Меҳнат шароитларининг даражаси ходимларнинг иш жойидаги руҳиятига таъсири» номли қўлланмалар муаллифига айналди.

– Ушбу китобларнинг ёзилишига ишчи-ходимларнинг тақлифлари туртки бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим, – дейди Нодира опа. – Туғруқ яқинлашса, доя ҳам топилди, деганлари рост экан. Меҳнат муҳофазаси, ходимларни касбига қизиқтиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги маърузалар кўтарилган китоблар нега ҳеч қачонда йўқ, аслида шундай адаби-



Нодира Каримова касбига меҳри сабаб ўзига юклатилган ҳар бир вазифани сидқидилдан амалга ошириш ҳаракатида бўлади. Эришган ютуқларида Тошкент давлат техника университети, Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамда «Саноаткон-техназорат» давлат инспекциясидаги фаолияти давомида олган билим ва таърибаси ҳам асқотди, десак, асло адашмаган бўламиз.

Ишчи гуруҳ фаолияти: ҲАЁТГА НУР, ҚАЛБГА ИШОНЧ ОЛИБ КИРАЁТГАН ТАШАББУС

Бу йил хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Буни биргина давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш» бўйича Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилигида тузилган Республика Ишчи гуруҳи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ишчи гуруҳ ҳозирги кунга қадар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Хоразм ва Навоий вилоятларида яшаётган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳар томонлама ўрганди. Бу жараёнда уларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этиш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда.



Аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустақкам ва барқарор бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Оилаларга татиётган байрам

Умрини рўзгор, фарзанд ташвишдан бошқа нарсани ўйламай, на ичимлик суви, на гази бор, хароба ўйда (агар уни ўй дейиш тўғри бўлса) ҳали вояга етмаган фарзандлари билан жон сақлаётган аёлни кўз олдингизга келтира оласизми?

Хатто орзу қилишни унутган оиланичи-афсуски, аччиқ, аммо очик ҳақиқат бу. Фақат биз уларни узоқ вақт кўриб, кўрмасликка олдик, холос. «Жаннатдан хабарлар» берадиган телелавҳаларда гул-гул яшнаган аёлларни кўрсатдик, матбуот саҳифаларида шодон кифофаларни ёритдик. Айниқса, байрамларда шундай чеҳраларни кўрганда, ноқорлик, тушкунлик туфайли йиғлашга кўзида ёш ҳам қолмаган аёллар қандай ҳисларни бошдан кечирган экан... Ахир узоқ йиллардан буён уларнинг кўча-сида байрам бўлмаган-да... Навбахор тумани «М.Улуғбек» МФЙда уч

фарзанди билан на девори, на дарвозаси бор, ўғри тушган оғилхонадек хувиллаб ётган қулбаи вайронада истиқомат қилаётган Зарифа Чинмирзаева ана шундай аёллардан бири. Зах босган хонадонда гилам у ёқда турсин, ҳатто, тузукроқ шолчаси ҳам йўқ бу хокисор аёлнинг энг катта ва биттаю-битта орзуси – бошпанасини одам яшайдиган ҳолга келтириш ва атрофини девор билан ўраш... Турмушга чиққанидан буён бирор марта ўзига тузукроқ оро бермаган, рўзгордан ортириб, бир йилда битта янги либос киймаган қишлоқ аёлининг ягона истаги бу. Аммо...

Шу маҳаллада яшовчи яна бир аёл бор – Дилдора Омонова. Тўртинчи синфда таҳсил олаётган фарзанди оққон касаллигига чалинган. Унинг дарди дунёсидан кўнгиллар бузилиб, кўзлар ёшга тўлади. Зах хонада шифтга термулиб ётган Жаҳонгирнинг соғлиги учун шу бошпанани ҳам сотувга қўйган. Муҳими – ўғли тузалиб кетсин! Ахир ота-бобомиздан қолган нақл бор: бош омон бўлса, дўппи топилади.

Бу Президентимиз топшириғига биноан

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Навоий вилоятидаги фаолиятдан бир лавҳа.

Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раҳбарлик қилаётган мазкур ишчи гуруҳ Навоий вилоятида уйма-уй юриб, аҳоли яшаш шароити билан танишди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда 1 минг 205 нафар аёл оғир турмуш шароитида яшмоқда, – дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳматилла Қорабоев. – Оилавий ажримлар сони 942 тани ташкил этмоқда. Ажримларнинг асосий сабаби оилавий келишмовчиликлар ва ишсизликдир.

Уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганиш натижасида вилоятнинг биргина Навбахор туманида 414 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва нотинч хонадон, 198 та уй-жойга муҳтож ва мавжуд уй-жойини таъмирлашга эҳтиёжманд оила аниқланди.

Баъзи муаммоларни жойида ҳал этиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, 24 нафар аёлга даволаниш, дори-дармон, уй-жойларини таъмирлаш ҳамда турмуш тарзини яхшилаш учун ўртача 2 миллион сўмдан 50 миллион сўмгача нақд пул кўринишидаги моддий ёрдам кўрсатилди. 50 нафар кам таъминланган, боқувчисиз йўқ аёлларнинг фарзандлари учун кийим-бош жамланмаси олиб берилди. 10 нафар хотин-қизга соғлигини тиклаш учун санаторийга йўлланма ажратилди. 30 нафар хотин-қизга маиший техника воситалари берилди. 50 нафар мактаб ўқувчисига кийим-бош ва ўқув куроллари, 10 нафар аёлга ногиронлик аравачалари топширилди.

Туманда камбағалликни камайтириш учун Касаба уюшмалари Федерацияси 2 миллиард сўм маблағ ажратадиган бўлди. Бу билан 400 та янги иш ўрни яратилади. Демак, шунча оилага барака кириб боради.

Сўзимиз давомида бир ҳолатни келтириб ўтишни жоиз топдик. Бугун турмуши ўрганилган оилаларнинг аксарияти шу вақтгача

ҳеч қаерга мурожаат этмаган. Балки... Уларнинг бундан умиди бўлмаган.

Мана, масалан, Бахмал Тўлаева. У авария ҳолатидаги икки хонали ўйда учта оила билан яшаб келмоқда. Бу ҳам етмаганидек, бир фарзанди ногирон. Оиланинг асосий даромади ногиронлик нафақаси ва яна елланма ишчиликдан келадиган арзимаган даромад. Бахмал опа эса шу вақтгача ҳеч қайси идора эшигига сарғайиб бормаган...

Ишчи гуруҳи ўрганишларида бу каби кўплаб оилалар аниқланди ва тез орада уларнинг муаммоларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

...Ўрганишларнинг бир куни шундай ниҳоясига етди. Орта қайтар эканмиз, кўзига қувонч, қалбига ишонч қайтган аёлларнинг сўзлари қўлогимиз остида жаранглаб турарди:

– Очғи, шу пайтгача байрам нималигини ҳис этмаганман. Бу байрам мен учун унутилмас кун бўлди. Энди бизнинг уйга ҳам рўшнолик кирди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Қарор топаётган адолат

Ишчи гуруҳнинг Жиззах вилоятидаги ўрганишлари давомида кўплаб оилаларга нур, қалбларга ишонч кирди.

– Оилада беш фарзандимиз, – дейди Пахтакор тумани «Буюк ипак йўли» маҳалласида яшовчи Фазилят Шахриева. – Ўзим ҳеч қаерда ўқимаганман. Сингилларимдан бири Фотима Самарқанд давлат чет тиллар институтига, Зуҳра эса Жиззах давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Бироқ шартнома пулларини тўлашга қийналдим. Таълим кредити олиш учун бир неча маротаба банкларга мурожаат қилдим, аммо умидларим ушалмай қолаверди. Мен бугун бахтлиман. Сабаби – икки синглимнинг муаммоси ҳал бўлди. Улар ўқишларини давом эттиришмоқда.

– Шу кунгача тикув машинасини олиш учун кўплаб ташкилотлардан ёрдам сўраган эдим, – дейди «Мингчинон» ҚФЙда яшовчи Саодат Эгамова. – Аммо натижа



бўлмаган. Ишчи гуруҳи оиламизга келиб, шароитимизни ўрганишди. Қўлимда ҳунари борлигини эйтиборга олиб, мени замонавий тикув машинаси билан таъминлашди. Энди мана шу тикув машинаси туфайли оиламнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш имконига эга бўлдим. Мен бир

нарсани айтмоқчиман: бугунгача кўп сансалорликларни кўрдим, лекин муҳтарам Президентимиз эйтиборга юқори минбардан туриб эйтибор қаратганлари натижасида менга ўхшаган кўплаб хотин-қизларнинг мушуқуллари осон бўлиб, муаммолари ҳал этилмоқда.

– Оиламиз билан 10 йилдан бери ижара-ижара кўчиб, яшаб келмоқдамиз, – дейди «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Турсуноя Султонова. – Турмуш ўртоғимнинг соғлиги ёмонлиги боис, ҳеч қаерда ишламайди. Молиявий имкониятимиз чекланган. Кичик ёшдаги фарзандимни боғчага беролмаганман. Ишчи гуруҳи оилавий шароитимизни ўрганиб чиққач, амалий ёрдам кўрсатилди. Йиллар давомида ушалмаган орзуимизга етадиган бўлдик.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Оддий иш куним эди. Мактаб ҳовлисини сўпуриб юргандим. Бир аёл кириб келди. Аҳволимни, соғлиғимни сўради. Нолиганим йўқ, Аллоҳ берган ризқни фарзандларим билан баҳам кўриб келаётганимни айтдим. «Бирон марта санаторийда дам олганмисиз?» деган саволдан янада ҳайратландим.

Мен санаторийда дам олдим...

Шифохонада ётишга пул тополмайман-у... Аёл исми-шарифимни ёзиб олди. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси бошчилигида Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш учун ишчи гуруҳ ташкил қилинган, шу гуруҳ аъзоси экани, ҳозирда Гурлан туманидаги аёлларнинг муаммоларини ўрганиш-ётаганини билдирди. Ҳа-ҳа, деб қолавердим. Эртаси куни мактабимиз директори ҳузурига чакирди:

– Тайёрланинг, яқшанба куни санаторийга кетасиз...

Ишонмасдан, икки-уч марта сўрадим. – Касаба уюшмаси вакиллари билан суҳбатлашганмидингиз? – деди директоримиз.

– Тўғри, лекин менда ортиқча пул йўқ, – дедим. – Ойлигимга режалаштириб қўйган ишларим бор. – Асло ғам еманг, ҳамма харажатни касабга уюшмалари қоплаб бераркан, – деди директоримиз.

Ишониб-ишонмай йўл тадоригини кўрдим. Айтилган куни Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Гурлан тумани кенгаши раиси уйимизга бориб, мени Урганчага олиб келди. Замонавий автобусдан Бухорога кетяпмиз-у, ҳалиям туш кўраётгандекман. У ерда бизни самимий кутиб олишди. «Жўйзар» сўхатгоҳида яйраб дам олдик.

Бу менинг ҳаётимдаги илк санаторийда дам олишим эди...

Санобар ЖУМАНИЁЗОВА,
Гурлан туманидаги 42-сонли аниқ фанларни чўқурлаштириб ўқишга ихтисослаштирилган мактаб фарроши



Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси ишчи гуруҳининг Хоразм вилоятидаги ўрганишлари самарасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Хоразм вилояти ташкилотларида меҳнат қилаётган 52 нафар фаррош аёл Бухоро вилоятидаги «Жўйзар» сўхатгоҳида дам олиш имконига эга бўлди.

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Пахтакор туманида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд ҳамда моддий ва маънавий кўмакка муҳтож 30 нафар хотин-қизга манзилли амалий ёрдам кўрсатилиб, муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Хусусан, тумандаги оилавий аҳоли ночор, боқувчисини йўқотган 15 нафар аёлга 34,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 6 нафар хотин-қиз замонавий тикув машиналари билан таъминланди. Даволанишга муҳтож бўлган 7 нафар хотин-қизга ўзи ва фарзандларининг саломатлигини тиклаш учун санаторийларга бепул йўлланмалар берилиб, ногиронлиги бор хотин-қизларга ногиронлик аравачалари топширилди.

Сен барибир муқаддассан, Муқаддас Аёл!



Зулфия

Жисминдан ўзни узганман

Онам! Сенинг иссиқ, азиз жонингни,
Заррадек чоғимдан бошлаб биламан,
Ўзим ҳам зарра-ю, лекин қонингни
Янгилаб, жисминдан ўзни узганман.
Сен гул жувон ҳали мендан беҳабар,
Булуздай гўдаклар тортиди ҳавасинг,
Энди мен сен десам қайноқ, муаттар
Ҳоврин ҳис қиламан илқ нафасинг...



Саïда ЗУННУОВА

Биринчи севгидек бирам беғубор...

Майса ниш урибди ариқ бўйида,
Биринчи севгидек бирам беғубор.
Кўёшга талпинган қиёқларида
Биринчи севгининг соддалиги бор.

Кўрмаган саратон офтобини еб,
Кузнинг тўзонларин мутлақо билмас.
Булуз кўз ёшидан талтайиб, ишқ деб,
Баҳор еллариға кўз тутуди маст.

Майса ниш урибди ариқ бўйида,
Биринчи севгидек бирам беғубор...



Ҳалима
ХУДОЙБЕРДИЕВА

Муқаддас аёл

Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабиндан бол тотиб ҳам бўлди,
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

«Аввал: «Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ», дедилар,
Унамадинг, аёл ўзи терс «халқ», дедилар.
Ичолмагач юз ўгириб шўр, талх, дедилар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,
Жуфтим бўл, – деб чопганини ҳар тоқ яширар,
Жаннатим, – деб қувонмасдан қумлоқ яширар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлғон эртақларнинг борар ери Сен,
Асов отдай эрмакларнинг борар ери Сен,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,
Гуноҳорлар мингу битта, Сенга тегар тош,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Ҳарир, ҳушбўй баданинда тошлар изи бор,
Кўрагинда эгилган не бошлар изи бор,
Кўёш изи, куйдирган қуёшлар изи бор,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!



Ойдин ҲОЖИЕВА

Онажоним

Онажоним, кўларингизда
Куннинг нафаслари бор эди,
Онажоним, юзларингизга
Ойнинг ҳаваслари бор эди.
Онажоним, сиз билан жаҳон
Беҳизулдай ифорили эди.
Тунлар ойдин, кунлар шодмон,
Шабдалар дуторли эди.
Тушларимга кириб чиқасиз,
Сочларимни ўриб чиқасиз.
Фариштадай бошим узра гоҳ
Оромимни кўриб чиқасиз.
Талпинаман, қучсайдим қани?
Соғинчлардан қочсайдим қани?
Кўз ёшларим гулга айланса,
Пойингизга сочсайдим қани?
Онажоним! Жонажоним!



Фароғат КАМОЛОВА

Олис уфқларга тўташган йўллар

1
Юлдузлар йиғлабди тун бўйи, она,
Шабнам япроқларда жавдираб турар.
Соғинчини айтиб тонгга жимгина
Олис уфқларга бош урар йўллар.
Йўлларнинг бошида маънос турибди
Узоқ балаликнинг масъум севинчи.
Эҳ, йўллардан келиб қийнайди мени
Аламиддай йиллар, йиллар соғинчи.

2
Қайдадир олисда фиғон чекар най,
Масофалар жуда узун туюлар.
Шамоллар дайидийди ўзлагин билмай,
Кўларимда мунис бир сиймо турар.
Қуршар хотиралар қуюни секин,
Қаерга бошлайди, ахир, қаерга?
Узоқлашиб кетар мендан бу қуюн,
Аста йиқилади таниш қабрга.

3
Сассиз урилади вақт шамоллари,
Кўларимга сокин тунлар қуйлар.
Чорлайди ҳорғин бир умид сингари
Олис уфқларга тўташган йўллар.
Ва чорлар уфқда мени бир соғинч,
Энтикиб бораман интиқ чорловдан.
Соғинчим сиз, она, соғинчим билан
Олис уфқларда учрашамиз ҳам...



Энахон СИДДИҚОВА

Тиқиб тирикликнинг байроқларини

Аёл кетиб борар ёниб, зувиллаб,
Кўнглида тириклик кўнғироқлари.
Шамоллар пойида йиғлар бош уриб,
Соғиб юборади гул япроқларни.
Кетиб борар аёл... кўнглига ишқмас,
Тиқиб тирикликнинг байроқларини.
Қулоғи қар дунё, ҳайҳот, эшитмас,
Селдай тошган фарёд, ингроқларини.
Аёл кетиб борар... тундай ёйилган
Бахтсизликдай қаро сочларин ғами.
Кўнғил меҳробига ёқиб қўйилган
Қирқ битта жонинг қирқ битта шами.
Кетиб борар аёл... ёлғизлик аро
Сирпанчиқ йўллари, қировли, музли.
Онҳазратнинг умматлари, хешлари,



Зебо МИРЗАЕВА

Бир ҳовуч нур

Оқ сочлари оппоқ тун унинг,
Умри ҳалол ишққа байроқдир.
Оқ, юзлари дунёи дуннинг
Гўзалидан чиройлироқдир.

(Бўлолмадим ҳассасичилик),
Отам дардин кўтарган моҳим.
Ушоққина онам кўнглига
Бир ҳовуч нур бергил, илоҳим!

Ўзи потраб чиққан чашмадай
Ёнингиздан оқдим кетдим.
Ўзгаларга дарё тутдим,
Оқ, онам-а, Сизни унутдим.

Қалдирғочлар мендан яхшироқ,
Бахт тўқади хур қучоғига.
Мен ҳам унинг тирноғиману,
Арзимайман лек тирноғига.

Исмалоқлар бўйини тараб,
Баҳор шовша юрган жойига,
Раббим, мени гул қилиб ярат,
Ҳеч бўлмаса, унинг пойига!..



Ҳосият РУСТАМОВА

Дарахтлардай ёзайин қуртак

Е Тангирим,
Сен менга куч бер,
Бер чидам –
Ҳудди дарахтлардай кўтарайин қад.
Ичимга қор ёғиб турганида ҳам,
Мен қулиб туришим керак ҳамма вақт.
Қушлар дарахтларни айласа ҳам тарк,
Чидар.
Аёзлардан ўтар типпа-тиқ.
Шунда ҳам олмалар ёзаверар барг,
Шунда ҳам гуллайди бечора ўрик.
Ўргат, тошларга ҳам гапирай майин,
Аёлман!
Худойим, келтирмайин шак.
Мен ҳам дарахтлардай гуллайверайин,
Мен ҳам дарахтлардай ёзайин қуртак.



Зулфия МҮМИНОВА

Бахт беринг

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг юрибди-ку қулиб, жилмайиб.
Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Гар кўзлари қулиб турса-да,
Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,
Ой юзлари қулиб турса-да...

Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганда,
Қўлини силашга шафоат топинг.
Йиғлаб турганида ҳеч бўлмаганда,
Ёшини артишга муруват топинг.

Ногоҳ ерга тушса оппоқ рўмоли,
Босиб ўтмасликка шафоат топинг.
Чақалоқ ялаган этакларини
Тоза деб айтишга адолат топинг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг юрибди-ку қулиб, жилмайиб.
Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Иллоҳи нур топинг, ҳидоят топинг.
Иллоҳи бахт берган аёл ёнидан
Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг.

Иллоҳи қалқонсиз, иллоҳи кўрғонсиз
Ғийбатлар ғийртмасин кўйлаққинасин.
Иллоҳи ҳушёрсиз, иллоҳи бедорсиз,
Итлар тишламасин юракқинасин.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да,
Аёлга бахт беринг, саодат беринг, –
Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да.



Гулчеҳра МИРЗАЕВА

Баҳорлар келади оқрўмол ўраб

Баҳорлар келади оқ рўмол ўраб,
Она қошингизда ўлтирайин деб.
Чўчқомалар пойингиз силар,
Йўлингизга зеб берайин деб.

Тонда ойнинг хироми ўзга,
Юлдузларга тўлади осмон.
Оғиз жуфтлаб булбуллар сўзга,
Таърифингиз айлайди баён.

Бедазорнинг майин ифори,
Димоқларни этади сармаст.
Йўлақдаги жамбил райҳонлар,
Пойингизга тиз чўқар бир паст.

Менчи бўлиб далли девона,
Қирлар ошиб лолалар тердим.
Бир даста гул ҳадея этмоқчун,
Ёнингизга шамолдай елдим.

Қошингизда бўлганда пайдо,
Гулларимнинг юзи бўзарди.
Гулдан гўзал чехрангиз кўриб,
Ҳижолатдан сўлиб турарди...

Ой юзлим фариштагинам,
Баҳорларга зеб берган онам.
Сиз келсангиз яшнаб кетади,
Қишда қиров қоплаган хонам.

Келинг уйим тўлдиригиз нурга,
Кўларимдан артингиз ҳижронни.
Райҳонларга кўмиб ташлаймиз,
Отам келмай қўйган айвонни...



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



Оила ва жамият устуни,
ҳаётимизнинг файзи ва кўрки
бўлган хотин-қизларни байрам
билан муборакбод этади!
Кутлуғ кунларда барчангизга
оилавий хотиржамлик,
хонадонларингизга тинчлик,
файз-у барака тилаймиз.
Доимо халқимиз, Ватанимизнинг
юксак меҳри ва ардоғида бўлиш
барчангизга насиб этсин!

*Оналарнинг оёни остидадир
Равзан жаннат у жинон бони.
Равза бон висолин истар эсан!
Бўл онанинг оёни туфрон.*

Алишер НАВОЙИ



ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Мамлакатимиздаги барча
аёлларни Халқаро хотин-
қизлар байрами билан
самимий табриклайди.
Эзгу тилагимиз шундай:
оилангиз, фарзандларингиз
эл-юртимиз бахтига
ҳамиша соғ-омон бўлинг!
Сизларга мустаҳкам
соғлик, баҳорий кайфият,
хотиржамлик, меҳр-
муҳаббат ва қалбингиздаги
барча эзгу ниятлар
ушалишини тилаймиз!

*Сизга таъзим қилиб
турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир
энг шоҳона байт,
Азиз эл-у юртин
дуоларини айт,
Пайт келди айтмоққа,
гилнини хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

Абдулла ОРИПОВ



8
Март

*Аёл борки, оила мунаввар,
аёл борки, ҳаёт гузал ва шартункор*

“Микрокредитбанк” жамоаси —
гўзаллик, нафислик ва
латофат рамзи бўлган барча аёлларимизни 8 март —
Халқаро хотин-қизлар байрами билан
муборакбод этади



30%
Бошланғич гулов
30% кам бўлмаган миқдорда

26%
Бошланғич гулов
30% кам бўлмаган миқдорда

28%
Бошланғич гулов
40% кам бўлмаган миқдорда

“Микрокредитбанк” гўзаллик рамзи бўлган аёлларимизга муносиб совға олиб беришингизга кўмаклашади!!!

Хизматлар лицензияланган.

**Байрамингиз муборак,
азиз аёллар!**

*Шу гўзал баҳор кунларида Сиз азиизларни
8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан
муборакбод этишидан бениҳоят мамнунмиз.
Бугунги фарғабасин кунларда барчангизга узоқ умр,
сизга-сатоматлик, бахт-омид тилаймиз.
Оилангизда тинчлик-хотиржамлик, меҳнат фойдалигингизда
эса энг катта кутуқларга эришингизга тилайдошимиз!*

**АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

*...Ердан бошқасида сув йўқ дегиллар.
Қақраган кўнлимизга оққувчи зилол.
Инсонга меҳр-ла кўл чўзган Тангрили,
Уша азиз кўлнинг бир номи аёл.
Аёл, мен қошинда ману гулдаман...*

Шодмонқул САЛОМ

*Азиз ва муҳтарам айёллар!
Барча-барчангизни ёзувчилик ва парфосат айёми —
8 март байрами билан сизнинг табриклаймиз!
Ушбу қутлуғ айёмида қалбимиз туб-тубида мияриган чеккасиз маърифат,
ҳурматимизни исҳор этиш биз учун шараф ва қувватдир.
Илоҳим, мана шундай шукрхон қиллар кўл бўлсин!*



Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт тилаган ҳолда фарзандларингиз, набираларингиз камолини кўриб юринг, деймиз.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси

*Букун ўзгачадир жилван олам,
Букун ўзгачадир борликда ханда.
Букун кўларимга ҳатто кўёш ҳам
Шафақ гулхонидан тарап чирманда.*

*Букун айёмингиз муборак қилиб,
Зумурад сепини ёйибди баҳор.
Баҳорий қизларнинг ҳуснидай тўлиб
Олам гузаллиги бўлсин барқарор.*

Эркин ВОҲИДОВ



Молия муассасаларида

вафқиятли бажарилди. Бинода кўшимча таъмирлаш ва қурилиш ишлари амалга оширилиб, болалар ва аёллар учун спорт зали, гузаллик салони, шахмат клуби, тикув цехи, ўқув машғулотлари хоналари, ўқув куроллари савдоси ва компьютер хизмати билан шуғулланишга ихтисослашган марказ, авиаचितталар савдоси касаси фойдаланишга топширилди.

– Амалга оширилаётган ишларимизни Халқ банкининг Янгийул филиали доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда, – дейди тадбиркор. – Зарур пайтда кредит билан таъминлаб, ишимизнинг янада ривожланишида яқин кўмакчимиз бўлмоқда.

Ха, шундай! Биргина тадбиркорлик соҳасини олиб кўрайлик. Бу жараёнда ишбилармон аёлларнинг фаол ҳаракати мамлакатимиз иқтисодий юксалишига муносиб улуш бўлиб кўшилмоқда. Уларга яратилаётган қулай ишбилармонлик ҳаларга 4 млрд сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилмоқда. Дарҳақиқат, нозик хилқат вакиллари бўлишига қарамасдан, тадбиркорлик соҳасида дадил иш олиб бораётган ишбилармон аёлларимиз талайгина. Улардан бири Тошкент ви-

ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ
Халқ банки сармоялари ишбилармон опа-сингилларимиз сафини кенгайтирмоқда

муҳити эса соҳа тараққийтини белгилаб, яна минглаб аёлларнинг оиласига барака ва даромад киритмоқда. Тижорат банкларининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги савий-ҳаракатлари янгидан-янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу фармон ижроси доирасида Халқ банки томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг бизнес фаолиятига кўмак кўрсатишга катта эътибор қаратилган.



Жумладан, 2019 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2 млрд сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар доирасида 36 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Натижада, бюджетга 1,2 млрд сўмлик солиқ тушумлари тушди. Шу билан бирга, асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга 7,4 млрд сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Халқ банки аёллар тадбиркорлиги ва уларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқда.

2020 йилда шу кунга қадар тадбиркор аёлларнинг ҳунармандчилиги, «Ёшлар – келажакимиз», Фермер ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурлари доирасидаги 199 лойиҳалари мақбулланган бўлиб, ушбу лойи-

лояти Янгийул туманидаги «BAHOR STYLE» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси ва раҳбари Мавжуда Бовақуловадир.

– Спорт ва кўнгилочар машғулотлар ташкил этиш, китоб ва канцелярия маҳсулотлари савдоси, компьютер хизмати, сартарошхона хизмати ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдамиз, – дейди Мавжуда опа. – 45 кишини иш билан таъминлаганмиз. Мамлакатимизда тадбиркорларга, айниқса, менга каби аёл тадбиркорларга қўллаб-қувватлаш ва имкониятлар яратилмоқда. Биз эса бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан Янгийул туманидаги бўш турган бино ва иншоотлар 605 млн. сўм инвестиция киритиш ва 35 та янги иш ўрни яратиш мажбурияти билан «нол» қийматида «BAHOR STYLE» МЧЖ томонидан сотиб олинган. Инвестиция мажбуриятлари му-

Ўткир ҲОШИМОВ

ТАРНОВ

Эрта баҳор эди. Ҳордиқ кун эди. Кеч турдим. Ҳовлига тушсам, ҳавонинг овзойи бузуқ. Ювиниб чиқиб қарасам, тунука том пешидеги тарнов бир томонга қийшайиб ётибди. Қишда ёққан қор залворидан қийшайиб қолган, шекилли... Қаттиқроқ шамол бўлса, тушиб кетадиган...

Иўлакда ётган нарвонни кўтариб келиб, томга тирагунча тинкам қуриди: зах тортиб, зилдек буп кетибди.

Нарвон зинасига оёқ кўйишим билан айвондан онам тушиб келди.

– Нима қилмоқчисан? – деди кўзимга термилди.

– Ҳозир, – дедим бепарво қўл силтаб. – Тарнов қийшайиб қопти.

– Шошма, болам, аввал чойингни ичиб ол...

– Ҳозир тушаман.

Шундай дедиму нарвонга тирмашдим. Томга чиқишим билан пастанд онамнинг хавотирли хитоби эшитилди:

– Эҳтиёт бўл, том лабига борма!

– Уйга кирсангиз-чи! – дедим оғриниб.

Тунука томни тарақ-туруқ босиб, қийшайган тарнов олдида кел-

дим. Увалло уринаман, тарнов лабнати ўнганса қани! Занглаб кетганми, бўёғи ёпишиб қолганми...

Аккага олиб, ёмғир шивалай бошлади. Аввалига томчилаб турди-да, кейин шиддат билан ёғиб кетди. Том лабидан ўтирганча, тарновни кўшқўллаб суришга уриндим. Қилт этмайди!

Пастанд яна онамнинг овози келди:

– Менга қара, болам!

Нарвон олдида қайтиб келдим.

– Ада! Адажон!

– Ҳа! – дедим баттар хуноб бўлиб.

– Варрагим йиртилди!

Қарасам, етти яшар ўғлим ҳовли ўртасида турибди. Оёғи остида йиртилиб, қамчишлари қовурғадек туртиб чиққан варрак лойга қаришиб ётибди. Ўзи кўйлақчан. Бошьянган. Ёмғир остида дийдираб турибди.

– Уйга кир, Фарруҳ! – дедим бақириб. – Уйга кир, шамоллаб қолсан!

Қулоқ солса қани! Гоҳ варрагига, гоҳ менга қарайди. Қапалагим учиб кетди. Томда сирғалиб-сирғалиб, нарвон томон югурдим.

Уч-тўрт пиллапоя тушиб қарасам, онам ҳамон нарвон оёғини чангаллаб турибди. Рўмоли жиққа хўл бўлиб, сочларига ёпишиб қолган... Бир қўли нарвон оёғида.

Бир қўлида тўн...



Келажакда режаларимиз катта, мактаб ёшидаги болалар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун махсус электрон дарсликлар, болаларнинг фикрларини ўстиришга оид дастурлар, мультимедия билан жиҳозланган «BOOK SAFE» фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.

Зангиота туманида яшовчи тадбиркор Шаҳзода Исломова эса кўрпа ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Уч кишини иш билан таъминлаган тадбиркор чет элдан технология олиб келиб, фаолиятини режали асосда йўлга қўйиб олди.

– Ишни 2018 йилда Халқ банкининг Зангиота тумани филиалидан 75 миллион кредит олиб бошлаганмиз, – дейди Шаҳзода Исломова. – Аввалига бир кунда битта, иккита маҳсулот тайёрлардик. Ҳозирда кунига ўртача 40 та кўрпани сотишга тайёрлаяпмиз. Маҳсулотларимиз ўзимизнинг бозорда сотилади, харидорлар кўп. Кейинчалик янада имконияти кенгрок қавиш техникасини олиб келиш ниятимиз бор. Шунда маҳсулотларимиз тури ва миқдори кўпаяди, шу билан бирга, яна бир неча кишини иш билан таъминлаймиз.

Демакки, бу – Халқ банки сармоялари мамлакатимиз тадбиркор аёлларининг оиласи, фарзандлари камоли, ва пировардида, юрт тараққийти ва аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаётганининг исботидир.

Халқ банки аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркор аёлларга истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, мижозлар талабини қондириш йўлида барча имкониятларни ишга солмоқда.

Халқ банки матбуот хизмати

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «QUVA PAHTA TOZALASH» АЖнинг 28.02.2020 йилги 15/60-сонли буюртма хатига асосан қорхонага қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Кува шаҳри, Пахтазавад кўчаси, 1-уйда жойлашган, 0008-литердаги ёқилғи сақлаш омбори, 0056-литердаги 1-сонли захира омбори, 0057-литердаги 2-сонли захира омбори бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 44 181 000 сўм.
2. Кува шаҳри, Пахтазавад кўчаси, 1-уйда жойлашган, 0003-литердаги Чойхона биноси, 0004-литердаги 1-сонли чойхона бостирмаси, 0004-литердаги 2-сонли чойхона бостирмаси бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 42 630 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йилнинг 6 апрель кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2020 йил 3 апрель, соат 16:00гача.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо голибга аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти оқлатилади.

Талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб-рақамига зақалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445, банк: «Капиталбанк» АТнинг Тошкент шаҳар филиали, СТИР: 303179580, ОКОНХ:84300.

Савдо ташкилотчиси ва савдо ўтказилайдиган жой манзили: Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темир кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Телефон:** (99895)402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz, best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225

«Ishonch» ва «Ishonch-Довере» газеталари тахририяти жамоаси газетанинг Халқаро ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими ходими Комила Боймуродовага акаси Баҳодир Боймуродовнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Эълон



Партия ислохоти — давр талаби


Газетанинг жорий йил 16 январдаги сонидан чоп этилган «Партиявий тизим: ислохотга муҳтож(ми?)» мақолада долзарб мавзу кўтарилган. Мақолада тўғри таъкидланганидек, сиёсий партиялар давлат ва жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Хеч кимга сир эмаски, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ўз фракцияси аъзолари билан қонун ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда сиёсий позициясини ҳимоя қилади. Утган сайловда бешта сиёсий партия парламентда энг кўп ўрин эгаллаш учун курашди. Халқ демократик партияси мазкур сиёсий курашда иккинчи ўриндан тўртинчи ўринга тушиб қолди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Сиёсий партиянинг биттага орнатиши, улар ўртасида ўзаро рақобат ва курашнинг кескинлашуви сайлов натижаларига ўз таъсирини кўрсатди. Сиёсий рақобатсиз ғоявий кураш бўлмайдими. «Енгилган одам курашга тўймайди» деганларидек, партия ўзининг ғоявий қарашлари ва дастурий мақсадларини жамият аъзолари орасида мустақамлаб бораверади.

Шу маънода, одамлар партия ғояларига ишонса, бир куч бўлиб, ягона мақсадга интилиб ҳаракат қилсагина асосий мақсадга эришиши мумкин. Фикримча, партиявий рақобат ва янгиланишни, авваломбор, партия ташкилотлари ўз аъзоларидан бошлаши керак. Одамларда янгича фикр, янгича дунёқараш ва кураш пайдо бўлмаса, сиёсий рақобат вужудга келиши мумкинми, ахир? Бунинг мўрт, заиф жиҳатлари ҳам бор, албатта. Ўрта ва ўрта махсус таълимни-ку, қўяверинг, ҳатто олий таълим муассасаларида ҳам сиёсий партиялар тўғрисидаги мавзуларга жуда кам вақт ажратилганини қандай тушуниш мумкин? Кишиларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини таълим даргоҳларида шакллантирмасак, жамиятимизнинг сиёсий тизимини қачон ва қандай мустақамлаймиз? Шунинг учун сиёсий ўқув ва дарсларнинг салмогини кўпайтириш керак. Ана шунда одамларнинг партиявий тизимга бўлган муносабати ўзгаради, сиёсий партиялар ўз хайрихоҳларини ортдан эргаштира олади. Айнан шунга кўра ҳам тизимни ривожлантиришига қаратилган бир қатор таклифларим бор. Чунинчи:

Биринчидан, партиянинг негизини бошланғич ташкилотлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига жиддий эътибор қаратиш керак. Бошланғич ташкилотдан то туман, шаҳар партия ташкилотигача алоқа занжирини янада мустақамлаш, унинг моддий-техник базасини яратиш ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш зарур.

Малик ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши шўба муdiri




Қўнғирот Минтақавий темирўлчилик касба уюшмаси ҳудудий қўмитаси ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазасини таъминлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2019 йил давомида қўмига келиб тушган 2369 та мурожаатнинг 2153 таси қаноатлантирилди ва 216 та ариза эгасига тегишли тушунтиришлар берилди.

Имтиёзли пенсия тайинланди

2020 йил январь ойда қўмига «Қўнғирот вагон таъмирлаш» депосида темирчи бўлиб ишловчи Юсуп Нуратдиновдан мурожаат келиб тушди. Унда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Қўнғирот тумани бўлими унга имтиёзли пенсия тайинлашни асосий равишда рад этгани баён этилган эди. Тўпланган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида Ю.Нуратдинов Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Қўнғирот тумани бўлимига белгиланган ёшдан беш йил кам бўлган ёшга тегишли нафақа тайинлашни сўраб мурожаат этган. Жамғарманинг туман бўлими 2019 йил 14 октябрь кунги 1125-сонли қароридан Ю.Нуратдиновнинг тўлиқ иш куни мобайнидаги бандлик

иш вақтининг 80 фоизи ўрнига 50 фоизини кўрсатгани аниқланди. Аттестация кўриги хулосалари тўлиқ бўлмагани ва мурожаат эгасининг имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи иш стажи етарли бўлгани билан, унинг «темирчи» касби соҳа рўйхатида кўрсатилмагани ваз этилиб, имтиёзли пенсия тайинлашдан бош тортилгани ойдинлашди. Умумий иш даври 37 йилни ташкил этгани ҳолда, махсус меҳнат стажи 21 йил 5 ой бўлган Ю.Нуратдиновда 57 ёшда имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи мавжуд эди. Бундан ташқари, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда қорхоналарда иш ўринларининг аттестацияси ўтказилма-



гани пенсия тайинланмаслигига олиб келади, деган ҳолат кўрсатилмаган. Касба уюшмаси аралашуви билан ариза эгаси Юсуп Нуратдиновга имтиёзли пенсия тайинланди.

Усеноб АБДАЛИЕВ,
Қўнғирот Минтақавий темирўлчилик касба уюшмаси ҳудудий қўмитаси юрисконсулти

«Деҳқонobod калий заводи» акциядорлик жамияти касба уюшма қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тумани бўлими ташаббуси билан «8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни» байрами муносабати билан жамиятнинг бир гуруҳ хотин-қизлари Бухоро шаҳрига саёҳат қилишди.

Туризм
Бухорога саёҳат
Саёҳат давомида иштирокчилар «Амир Сайид Кулол», «Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд», «Сомониёлар даҳмаси» каби зиёратгоҳларда бўлиши, «Арк», «Лабия ҳовузи» мажмуалари, «Мирараб мадрасаси», «Минораи калон» ва бошқа бир қатор меъморий обидалар тарихи, Бухоро шаҳрида кейинги йилларида амалга оширилаётган улкан обodonлаштириш, қўқаламзорлаштириш ва қурилиш ишлари, умуман олганда, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Норсаид КўЧИНОВ,
«Деҳқонobod калий заводи» акциядорлик жамияти касба уюшма қўмитаси раиси

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 ноябрдаги сонидан чоп этилган «Тилни бузиб пул топиш «санъати» сарлавҳали фототанқидга Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасидан қуйидаги жавоб келди:

«Ishonch»га жавоб берадилар...
Кўрсатма берилди
«Мақолада қайд этилган ҳолатларга аниқлик киритиш учун ўрганиш ўтказилганда, «XRUSTEAMLASHAYLIK, TOSHKENT» деган сўзлар қайд этилган реклама лавҳаси Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур ҳамда Нукус кўчалари кесишувидаги чорраҳада ўрнатилган конструкциясига «East-West Invest» ҚК МЧЖ томонидан жойлаштирилгани аниқланди. Шу билан бирга, «East-West Invest» ҚК МЧЖ томонидан таклиф этилаётган «Хрус Team» номли қотирилган нон маҳсулоти тўғрисидаги реклама лавҳалари Тошкент метрополитени ҳудудида ўрнатилгани ҳамда телерадио ва кабель телевидениеси каналларида эфирга узатилаётгани ва ушбу реклама лавҳаларида ҳам «XRUSTEAMLASHAYLIK, TOSHKENT» ва «ПОХРУСТЕАМ, ТАШКЕНТ» деган сўзлар қайд этилгани маълум бўлди.

Тахририятдан: Ажабо, «XRUSTEAMLASHAYLIK, TOSHKENT» ва «ПОХРУСТЕАМ, ТАШКЕНТ»ни «XRUSTEАМ» LASHAYLIK, TOSHKENT» ва «ПО» ХРУСТЕАМ, ТАШКЕНТ» деса, олам гулистон экан-у, биз билмай юрган эканмиз! Ана холос!



Ўз навбатида, «XRUSTEAMLASHAYLIK, TOSHKENT» ва «ПОХРУСТЕАМ, ТАШКЕНТ» деган ёзувлардаги имловий хатоларни тўғрилаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни талабларига мослаштириш мақсадида ушбу сўзларни бошқа мақбул сўзларга (мисол учун, товар белгисини бошқа сўзлардан ажратиб кўрсатган ҳолда: «XRUSTEАМ» LASHAYLIK, TOSHKENT» ва «ПО» ХРУСТЕАМ, ТАШКЕНТ» шаклида) ўзгартириш ёки ушбу реклама лавҳаларини олиб ташлаш юзасидан «East-West Invest» ҚК МЧЖга ҳудудий бошқарманинг 16.12.2019 йилдаги 03/1211 ДМ-сонли кўрсатма хати берилганини маълум қиламиз.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари Ж.ТУРОБОВ

«Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига «Агроким-еҳимоя» АЖ Жондор тумани филиалининг 2020 йил 3 мартдаги 43-сонли буюртма-хатига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
1. Бухоро вилояти, Жондор тумани, «Алели» МФЙ, Алели аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 362,75м2, қурилиш майдони 362,75м2 ва фойдали майдони 362,75м2дан иборат бўлган «Биолаборатория биноси». Бошланғич баҳоси — 52 940 606 сўм.
2. Бухоро вилояти, Жондор тумани, «Нуррафшон» МФЙ, Моҳон аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 84,5м2, қурилиш майдони 84,5м2 ва фойдали майдони 84,5м2дан иборат бўлган «Биофабрика бино-иншоотлари». Бошланғич баҳоси — 13 815 829 сўм.
Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташки-

лотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Аукцион савдоси 2020 йил 11 апрель кун соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44 уйда бўлиб ўтади. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 10 апрель кун соат 18:00да тўхтаб қолди. Мазкур бинолар 2020 йил 11 апрель кун ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, биноларнинг такрорий аукцион савдолари 2020 йилнинг 18-, 25 апрель ва 2020 йилнинг 2-, 9-, 16-, 23-, 30 май кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион ёлиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида бинога бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун

тўловларни амалга ошириш юклатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги бўлган талабгорлардан: — савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридagi закат пулиларини тўлашлари; — Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан — паспорт нусхаси; — хорий юридик шахслардан — уставнинг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси; — хорий фуқаролардан — чет давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорти; — Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслардан — яшаш гувоҳномаси нусхаси; — юридик шахслардан — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим этилиши сўралади. Савдолар учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00да тўхтаб қолди. Буюртманомалар иш кунлари (шанба ва яқшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдоридa закат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: «Ипотека банк»нинг Бухоро шаҳридаги Сардор филиали, х/р:20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286) ҳисобрақамга тўлашлари шарт. Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. Тел: (0-365) 221-51-81. E-mail: spartak-konsulting@umail.uz, Веб-сайт: www.sk7.uz. Лицензия RR-0079.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!
«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик кимовди савдосига таклиф этади!
Савдога Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидaги «Жар» спорт соғломлаштириш комплексига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:
1984 йда и/ч, д/б: 01 218 VSB бўлган «Зил ММ3-555» русумли (носоз, балон ва дисклари мавжуд эмас) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 22 032 266 сўм.
Аукцион савдолари 2020 йилнинг 7-, 14-, 21-, 28-апрель кунлари соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари 2020 йил 7 апрель кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда, эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз. Талабгорлар савдо ташкилотчиси савдода қатнашиш учун юзага келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадилар. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда КТИАСнинг ҳисобрақамига (х/р: 20208000904929477001, банк: «Ипотека банк» АТИБнинг Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ: 83200) тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9:30дан 16:00гача қабул қилинади ва кимовди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганида тўхтаб қолди. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: +99871 249-54-59. Веб сайт: ktias.uz. Хизматлар лицензияланган.

